



Инсонпарварлик тамойиллари

янада мустаҳкамланмоқда

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.



Таъкидлаш кераки, фракциянинг аввалги мажлисларидан бирида ушбу қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Бугунги йиғилишда эса қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

▶ Давоми 2-бетда.



Изланиш ва масъулият самараси

«Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари ривожига йўлда қўраштирилган улкан эътибор соҳа вакилларининг ижтимоий масъулиятини теран ҳис этиши ва касб маҳоратини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Туркистон» саройида 2 май куни журналистика соҳасида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросимда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, фахрий журналистлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

▶ Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатда фуқаролик жамияти қарор топиши, одамлар тинчлиги ва миллатлараро, динлараро тотувликни мустаҳкамлашда иштирок этишни ўзининг устувор сиёсий вазифаси, деб билади.

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти халқаро танлови ғолиблари ва совриндорлари

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ

ЎзМТРК «Маданият ва маърифат» телеканали — директори Воҳид Лукмонов Ўзбек халқининг бой маданий-маърифий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитиш, юксак маънавиятли, мустақил фикрли, кенг дунёқарашли ёшларни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, миллий кадрларимизга бўлган эътибор, мамлакат маданий ҳаётида янгиликларини кенг ёритгани учун

АСОСИЙ МУКОФОТЛАР

Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин: Гулҳида Жўраева — «Yoshlar» телерадиоканали қошидаги «Болалар» телеканалининг Мусикий ва маърифий-ўйинли теледастурлар муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари вазифини бажарувчи «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури» доирасидаги миллий кадрларимизни ёшлар онлига сингдириш, замонавий билим ва касб-хунарларга эга ёшларни вояга етказишга қаратилган теледастурлари учун

2-ўрин: Барчиной Жўраева — ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар ва долзарб муаммоларга бағишланган «Биз учун муҳим» туркумидаги ток-шоулари учун

3-ўрин: Ёлқин Окбўтаев — Самарқанд вилояти телерадиоканалининг телегуруҳининг махсус муҳбири Вилоятда амалга оширилаётган янгиликлар жараёни ва бунёдкорлик ишлари тўғрисидаги кўрсатувлари учун

Энг яхши журналистик материал учун (радио):

1-ўрин: Мавжудахон Олпоққўжаева — ЎзМТРК «O'zbekiston» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти катта муҳаррири Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруш тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ҳақидаги таҳлилий эшиттиришлари учун

▶ Давоми 3-бетда.

Кутлаймиз!

Мамлакатимизда Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш ва журналистларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли танловлар ташкил қилинган. Улар орасида «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлови ўзининг нуфузи билан алоҳида аҳамиятга эга.



Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур мукофот миллий ва халқаро журналистика ютуқларини омалаштириш, журналистларнинг ўз фуқаролик позицияси ва маҳоратини намойиш этиши, янги изланишларга хизмат қилмоқда.

Жаҳон матбуоти эркинлиги куни муносабати билан ўтказилган бу йилги танлов ғолиб ва совриндорлари орасида таҳририятимиз ёш ходими Тоштемир Худойкуловнинг ҳам борлиги жамоамизни беҳад қувонтирди. У Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКОнинг «Барқарор ривожланиш мавзуси ёритилган энг яхши материал учун» махсус мукофотига лойиқ, деб топилди.

Ушбу юксак эътироф билан ҳамкасбимизни табриқлаймиз ва ижодий ишларига муваффақият тилаймиз.

Таҳририят

БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ!

Дастурий мақсадларимизни амалга оширувчи куч

Бошланғич ташкилотларнинг кучи кўп жиҳатдан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорлиги қандайлигига боғлиқ. Ҳамкорлик изчил ва мустаҳкам бўлса, бундан ҳар икки томон ютади.

Буни 60 нафар аъзога эга бўлган бизнинг бошланғич ташкилотимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Худудимиз бўйича халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашига партияимиздан сайланган депутатлар билан доимий алоқа ўрнатганимиз. Аҳоли муаммоларини ўрганиш, электроти уйлантираётган масалаларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик

яхши натижа берапти. Депутатларимиз томонидан кўтарилаётган масалаларни, аввало, бошланғич ташкилотимизда муҳокама этиш тажрибаси йўлга қўйилган. Улар бизнинг тақлифларимиз асосида муаммонинг ечими юзасидан аниқ нукта назарни шакллантириб олишмоқда. Хусусан, депутатларимиз Исмаилов Исоқов, Зумрад

Матқубова ҳамда Муқаддас Ўринбоева томонидан маҳалламиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, ички йўлларни таъмирлаш, вақтинча ишсиз ёшларни маҳаллий имкониятдан қилиб чиққан ҳолда оилавий тадбиркорликка жалб этиш борасида олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш керак.

Айни пайтда маҳалламизда «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни оила қуришдан олдинги тиббий кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ тарғибот тадбирлари

рини изчил олиб бораёямиз. Мирза Бўронов, Дилбар Йўлдошева, Гайбулла Нуриллоев, Саодат Воҳидова сингари партияимиз фаоллари бу жараёнда муносиб иштирок этмоқда.

Бугун партиядошларимиз яхши билишадди, агар уларнинг ўзлари ташаббускор бўлмаса, бошланғич ташкилот таъсир кучи сезилмайдди. Бошланғич ташкилот кучаймаса, сиёсий партия ўз дастурий мақсадларини амалга оширолмайди.

Насриддин НАЖМИДИНОВ, Янгиер шаҳрининг «Обод турмуш» маҳалласидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси.

ГАЗЕТХОН САВОЛИ

«Кам таъминланган оиламиз. Эрим ва ўзим ногиронман. Фарзандимни болалар боғчасига жойлаштириш ва ойлик пул тўловига бизга имтиёз борми?»

Дилдора Азизқўжаева, Тошкент шаҳри.



— Мактабгача таълим муассасаларида ота-оналардан бадал тўловлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2008 йилнинг 13 февраль куни 1768-рақами билан рўйхатдан ўтган «Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминоти»га ҳақ тўлаш

тартиби тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилади. Унга қўра, мактабгача таълим муассасасига битта фарзанди қатнайдиган ота-оналар энг кам ойлик маошининг 100 фоизи миқдориди, икки ва ундан ортиқ фарзандлари қатновчи ота-оналар энг кам ойлик маошининг 71 фоизи

миқдориди бадал пули тўлайдилар. Мазкур Низомнинг IV бўлими, 26-бандига биноан мактабгача таълим муассасалари ва интернатларда болалар таъминоти учун тўловлардан кам таъминланган оилаларнинг болалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу муассаса-

ларда (интернатларда)ги тарбияланувчиларнинг умумий сонидан 15 фоизи доирасида озод қилинади. Бунда ота-оналари (битта-си ёки иккаласи) I ёки II гуруҳ ногиронлари бўлган кам таъминланган оилаларнинг болалари биринчи навбатда тўловлардан озод қилинади.

МУТАХАССИС ЖАВОБИ

Ушбу саволга Республика Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим муассасалари бўлим бошлиғи Сабоҳат Миржалилова жавоб беради:



Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида электрорат манфаатига доир қатор масалалар таҳлилий ўрганилди, муҳимлари доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди...

Бу мавзуга оид таҳлилий мақола билан газетамизнинг кейинги сониди танишасиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси

сайтида ўқинг

Қонун лойиҳаси бўйича тайёрланган таклифлар

қизгин муҳокама этилди



www.uzbekistonovozi.uz

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Инсонпарварлик тамойиллари

янада мустаҳкамланмоқда



Фракция аъзолари эътироф этганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган ислохотлар...

ривождантириш бўйича суд-хуқуқ ислохотларининг навбатдаги босқичи сифатида хизмат қилади. Фракция аъзолари қонун лойиҳаси муҳокама...



Санжап ШОТЎЛТААНОВ олган суратлар.

сақланган мuddатини ҳисобга олиш тартиби белгиланмоқда, — деди УЗХДП фракцияси аъзоси Фахриддин Ражабов. — Шунингдек, ижтимоий ҳа...

ижроия қонунчилигининг янада либераллаштириш таъминлайди. — Мазкур қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари...

ни такомиллаштириб бориш масаласига қабул қилинган Фракция аъзолари қонун лойиҳаси муҳокама...

Давоми. Боши 1-бетда.

Электрон тижорат соҳасини ривожлантиришда

унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

Бугунги кунда ҳимояланган электрон почта ҳамда электрон ҳужжат айланиши ягона тизимига 153 та давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари уланган. Жорий йилнинг биринчи ярмида «Е-хат» ҳимояланган почта тизими орқали электрон ҳужжат айланиш ҳажми 399572 та бирликни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,6 фоизга ошган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аxbорот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йўналишида бу фикрлар алоҳида таъкидланди. Унда «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида» ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунларнинг Тошкент шаҳрида ижро этилиши юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил якунлари муҳокама этилди.

— Тошкент шаҳрида аxbорот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, симсим алоқа ва интернет тармоқлари хизматлари билан аҳоли пунктларини қамраб олиш, компьютер савдоҳонлигини ошириш

борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги, компьютерлаштириш маркази раҳбари Маҳмуд Асомов. — Ҳокимлик фаолиятини автоматлаштириш ва аxbоротлаштириш мақсадида 11 та аxbорот тизими яратилиб, амалиётга жорий этилган. 3 та маълумот базаси аxbорот билан мунтазам тўлдириб келинмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва барча туман ҳокимликлари интерактив давлат хизматларининг Ягона порталга уланган бўлиб, ўтган давр мобайнида тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли томонидан 495 та мурожаат тушган.

Айтиш кераки, қўмига томонидан олиб борилган назорат-таҳлил доирасида бир қатор камчиликлар аниқланиб, ҳокимликка тақдим этилган. Эндиликда бу борада тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аxbорот хавфсизлиги, аxbорот тизимларининг давлат рўйхати-



Санжап ШОТЎЛТААНОВ олган суратлар.

дан ўтказиш, ривожлантириш, интерактив хизматлар, ариза ва мурожаатларни ўз вақтида ҳал этиш бўйича режалар белгилашиб, камчиликлар бартараф этилмоқда. Сўзга чиққанлар давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий тизимларнинг амалдаги аxbорот тизимлари билан интеграциялашувини таъминлаш, он-лайн тўловларни амалга ошириш, электрон тижорат тизимида «учинчи томонга ишонч» тузилмасини яратиш каби масалаларнинг аниқ қонуний тартибига солиниши мақсадга мувофиқдир. Тўловлар бу тарзда амалга оширилиши партиямиз электорати бўлган пенсионер-

лар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар учун ҳам анча қулайлик туғдиради. Ийгилишда ички идоравий бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнининг амалдаги тизимларини қайта кўриб чиқиш, уларни оптималлаштириш, электрон тижорат қатнашчилари ишончини ошириш бўйича тезкор чораларни қабул қилиш, мобил тижорат ва банк карталари тарқалишини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар берилди. Ийгилиш яқинида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Нурли ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Боши 1-бетда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан хабарлар

2013-2014 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикасининг Бериуни туманидаги 8 та касб-хунар коллежини 2852 нафар йўлғиз-қиз битиради. Ҳозирда 796 корхона ва ташкилот улар билан уч томонлама шартнома имзолаган. УЗХДП туман кенгаши ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги гуруҳи шартномаларнинг аниқ ва реал вазиятдан келиб чиқиб тузилгани ҳамда бажарилгани устидан назоратни йўлга қўйган. Ўтган йили УЗХДП гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокама қилган «Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларининг ўрта-максус касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олиними, шунингдек, касб-хунар коллежларини тамойиллашган ёшларнинг ишга жойлаштириш тўғрисида»ги масала кiritилган эди. Депутатлик гуруҳининг яқинида бўлиб ўтган йўлғизликда бу йил ҳам шу масалани сессия кун тартибига олиб чиқиш масаласи батафсил муҳокама этилди.

Халилла ЕШИМБЕТОВ

Халқ депутатлари Амударё туман Кенгашидаги УЗХДП гуруҳи «Бола-лар спортини ривожлантириш бўйича туманда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги масалани ўрганиб чиқди. Бу борада УЗХДП гуруҳи тақлифлари ижтимоий-маданий ривожлантириш ҳамда ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссия йўлғизликда муҳокама қилинди. Айни пайтда мазкур масалани сессия кун тартибига кiritиш бўйича тайёрларлик ишлари олиб бoриляпти.

Мақсуд САЪДУЛЛАЕВ

УЗХДП Юқори Чирчик туман кенгашида «Ёш сиёсатчи — 2014» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. Унда дастлабки босқичда ғолибликни қўлга киритган 8 нафар йўлғиз-қиз белгиланган шартлар бўйича ўз билимининг намойиши эъти. «Анварбек-Аброрбек» фермер хўжалиги раҳбари Нодирбек Абдулвазизов биринчи ўринга муносиб топилди ва танловнинг Тошкент вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса «Қорасув» маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Шохсанам Собиржонова, Транспорт ва иқтисодий касб-хунар коллежи ўқувчиси Дostonбек Жалилов эгаллади.

Латифжон МАНСУРОВ

УЗХДП Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан «Одам савдосига қарши курашда ҳар биримиз фаол бўлайлик» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда УЗХДП вилоят, туман ва шаҳар кенгаши ходимлари, партия фаоллари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда ёшлар иштирок этди. Семинар интерфаол усулда қизгин баҳс-мунозара билан ўтди, мавзуга доир видеолик ва слайдлар намойиш этилди.

Дийр ҲАСАНОВ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти Андийкон вилоят бўлими «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Тадбирда «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, ёшларга оид давлат сиёсатини ҳаётга изчил татбиқ этишда «Истиқбол» ёшлар қанотининг иштирокчиси кучайтириш масалалари бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, давра суҳбатида партия дастурий мақсад ва гоьларини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, уларнинг сиёсий фаолигини оширишда қанот етакчилари олдига турган янги вазифалар муҳокама этилди.

Сардорбек ҚСИМОВ

Изданиш ва масъулият самараси

«Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий журналистика равнақида ҳам янги босқични бошлаб берди. Мазкур Концепцияга мувофиқ оммавий аxbорот воситалари фаолиятига доир миллий қонунчилик муттасил такомиллашмоқда. Бу фуқароларнинг аxbоротни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқини таъминламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий аxbорот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бeриш тўғрисида»ги қарори медиа тузилмалар фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Соҳада олиб бoриляётган кенг қўламли ўзгаришлар жараёнида электрон оммавий аxbорот воситалари жадал ривожланмоқда, улар фаолиятининг самарадорлиги ошмоқда. Мамлакатимизда интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи тобора кенгайиб бoрмоқда. Телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида рақамли телевиденига ўтиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бoрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жаҳон матбуоти эркинлиги қунига бағишлаб таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий аxbорот воситалари ҳодимлари фуқаролик позицияларини намoён этиши учун шароит яратиш, иждодий фаолиятга янги чалғишларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари иждодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Мустақил бoсма оммавий аxbорот воситалари ва аxbорот агентликлари ни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий аxbорот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекроп» аxbорот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур аънавий танлов соҳа ходимларининг фаолигини янада ошириш, уларда изланувчанлик, ишга иждодий ва талабчанлик руҳида излашувни мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Жумладан, 2006 йилдан буюн ўтказилаётган мазкур танловда 4 минг нафарга яқин журналист 50 мингдан ортиқ ижтимоий аҳамиятга молик материал билан иштирок этди. 194 нафар журналист «Олтин қалам» Миллий мукофоти соҳиб бўлди. 48 нафар иждодкор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналари таъсис этган мукофотлар билан тақдирланди.

Телевидение, радио, бoсма оммавий аxbорот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилаётган бу йилги иждодий лойиҳада ўн учта — битта Бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот таъсис этилган. Танлов учун мамлакатимизнинг барча турдаги оммавий аxbорот воситаларида меҳнат қилаётган 490 дан ошмиқ журналистдан 7500 га яқин иждодий иш келиб тушди. Танловни ташкил қилиш, ўтказиш, иждодий фаолиятга янги чалғишларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Нурли ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Боши 1-бетда.

зиш, ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун маблағ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маданият ва маърифат» телеканали журналистика соҳасида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда Бош мукофотга лойиҳа деб топилди. Телеканал махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдордаги пул мукофоти билан тақдирланди.

— Юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш авлодда соғлом ва тeран шаклланган инсонни тарбиялашнинг асосий йўналиши бўлиши шакллантиришга улкан эътибор қаратилмоқда, — дейди «Маданият ва маърифат» телеканали директори Воҳид Луқмонов. — Давлатимиз раҳбарининг «Ўқсак маънавият — енгилмас куч» асарига барча соҳалардаги ислохотлар самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятини тиклашни, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, аънаво ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланган. Президентимиз ташаббуси билан «Маданият ва маърифат» телеканали ташкил этилиб, бугунги кунда самарали фаолият олиб бoраётгани мазкур соҳа равнақига кўрсатилаётган чексиз гамҳўрликнинг амалий ифодасидир. Буларнинг барчаси зиммамиздаги масъулиятни тeран англашга, ёш авлодда соғлом маънавиятни шакллантиришда шарофли ишга янада жиддий ёндашишга ундайди.

Иждодий беллашувининг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолибларига диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ҳамда пул мукофотлари топширилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мустақил бoсма оммавий аxbорот воситалари ва аxbорот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан таъсис этилган номинациялар бўйича ҳам мукофотлар топширилди.

Шу ўринда ушбу танловга қизиқиш халқаро ташкилотларда йил сайин ортиб бoраётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, бу йилги танловда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги аxbорот маркази, ЮНЕСКО, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича Бирлашган дастури — ЮНЭЙДС, Халқаро муносабатлар миллий демократик институти (АҚШ), «Регионал диалог» (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ўз мукофотлари билан иштирок этди. Тантанали маросимда бир гуруҳ журналистлар ушбу ташкилотларнинг рағбатланувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди. Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти халқаро танлови ғолиблари ва совриндорлари



2-ўрин:

Зафар Турсунов — «Пойтахт» радиоканали директори Республикамик пойтахти ҳаётининг муҳим воқеалари ҳақидаги ахборот дастурлари, долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий эшиттиришлари учун

3-ўрин:

Гуларем Жумағалиева — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиоканалининг «Хабар» ахборот-таҳлилий дастурлари бош муҳаррири катта муҳаррири Қорақалпоғистон ёшларнинг бугунги ҳаёти, ютуқ ва муаммолари тўғрисидаги «Парвоз» туркум эшиттиришлари учун
Энг яхши журналистик материал учун (босма ОАВ):
1-ўрин: «Соғлом авлод» газетаси тахририяти — бош муҳаррири Фахриддин Хайитов Мамлакатимизда «Соғлом

Давоми. Боши 1-бетда.

бола йили» Давлат дастури доирасида соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш, оналик ва болаларнинг ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, тиббий маданиятни ошириш, болалар спортини ривожлантириш бора-бора олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни кенг ва таҳлилий ёритгани учун
2-ўрин:
«Ватанпарвар» газетаси тахририяти — бош муҳаррири **Алижон Сафаров** Ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган, Ўзбекистон Куролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги материаллари учун
3-ўрин:
Замирахон Хўжабердиева (Рўзиева) — «Миллий тикланиш» газетасининг Андижон вилояти бўйича ўз муҳбири Миллий гуруҳ ва қадриятларимиз, аъяна ва удумларимиз, халқимизга хос бағрикенглик ҳақидаги публицистик мақолалари учун
Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика):
1-ўрин:
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УзАнинг «uz.uz» веб-сайти — бош муҳаррири **Бунёд Абдуллаев** Демократик ўзгаришлари янада чу-

қурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни турли тилларда атрофича ёритгани учун
2-ўрин:
«uz24.uz» веб-сайти — бош муҳаррири **Аброр Исмоилов** Мамлакатимизда ва чет элларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар тезкор ва таҳлилий ёритилган материаллари учун
3-ўрин:
Жоникбек Мусаев — «UzReport.com» веб-сайти муҳбири Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётидаги янгиликлар, халқаро алоқалари ҳақидаги таҳлилий материаллари учун

Халқаро ва жамоат ташкилотларининг рағбатлантирувчи мукофотлари:
БМТ АХБОРОТ МАРКАЗИ
«Радиола Мингиллик ривожланиш мақсадлари мавзусининг ёритилиши»
Лаззат Есемуратова — «Нукус-FM» радиоканали директори
ЮНЕСКО
«Барқарор ривожланиш мавзуси ёритилган энг яхши материал учун»
Тоштемир Худойқулов — «Ўзбекистон овози» газетасининг Ижтимоий ҳаёт ва иқтисодиёт бўлими муҳбири
ЕХТ

«Рақамли технологиялар даврида замонавий жамият ва ахборот журналистикаси»
«Ўзбекистон матбуоти» журнали тахририяти — бош муҳаррир вазирадини бажарувчи **Шурхатжон Оқунжонов**
ЖАХОН БАНКИ
«Глобал иқлим ўзгариши муаммолари ёритилган энг яхши материал учун» (кишлоқ ҳўжалиги ва иссиқлик самарадорлиги масалалари)

Озод Очилов — «Кишлоқ ҳаёти» газетаси гуруҳ раҳбари
UNAIDS, UNICEF, UNFPA ВА ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ
«ОАВнинг ОИВ-ОИТС масалалари бўйича жамоатчилик мулоқотини фаоллаштириш ва аҳолининг хабардорлигини оширишдаги роли ёритилган энг яхши материал учун»
Сурия Магдеева — «Наманганска правда» газетасининг махсус муҳбири

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТИ (АҚШ)
1. **«Давлат органларининг ўз фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини кучайтириш борасидаги ишлари ёритилган энг яхши материал учун»**
Сайёра Ербаева — УЗМТРК «Тошкент» телерадиоканали «Пойтахт» ахборот дастурлари бош муҳарририяти шарҳловчиси
2. **«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли эҳтиёжларини қондириш бўйича долзарб муаммолар ечимини топишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ёритилган энг яхши материал учун»**
Санобар Боймуродова — Қашқадарё вилояти телерадиоканали муҳаррири
3. **«Журналистикада ижтимоий масалаларни ёритишда инновацион ечим ва ёндашувлар»**
Хушнуд Худойбердиев — Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

«РЕГИОНАЛ ДИАЛОГ»
ХННТ (Словения)
1. **«Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш мавзусидаги энг яхши материал учун»**
Гули Нигор Авазова — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган тахририяти муҳбири
2. **«Ўзбекистонда суд ҳокимияти ислохотларининг бориши ёритилган энг яхши материал учун»**
Хуршида Турсунбоева — «Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳбири

ЎЗБЕКISTОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ
1. **«Соғлом бола йилига бағишланган энг яхши материал учун»**
Мардон Эсонбоев — «Болалар дунёси» газетаси муҳаррири ўринбосари (Наманган вилояти)
2. **«Ижтимоий шериклик фаолияти ёритилган энг яхши материал учун»**
Екатерина Соболева — Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди бош мутахассиси

ЎЗБЕКISTОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ
1. **«Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун»**
Аббосхон Усмонов — «Правда Востока» газетаси бош муҳаррири
2. **«Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун»**
Ирина Баранова — «Trend» ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги муҳбири (Озарбайжон Республикаси)



Идора ҳарорати



Иш қобилиятига таъсир этади

Дарҳақиқат, ишхонада ҳароратнинг қай даражада бўлиши иш унумининг нечоғли юқори ёки паст кўрсаткичини белгилайди. Голландиянинг Лейден университети тадқиқотчилари бу борада тажриба ва кузатув-тадқиқот ўтказиб, шундай хулосага келдилар ва ўз хулосаларини «Kakmed.com» сайтыда эълон қилдилар.

Мутахассислар тасдиқлашча, тана учун меъёрий ҳарорат киши ақлий фаолиятини, айниқса, хотира иш унумини яхшилаётган ёки аксинча ишхонадаги ноқулай ҳарорат ишчанлик кайфиятига акс таъсир этади.

Олимлар тажрибада иштирок этгани истаган кўнгилларини икки гуруҳга бўлиб, тест синовлари ўтказди. Улар 25, 15 ва 20 даражали ҳароратда бу вазифани бажардилар. Иссиқни сезувчи иштирокчилар юқори ҳароратда ишни тезда уйдалаган бўлсалар, совуқни сезувчи тана соҳиблари паст ҳароратда бу вазифани қўйилмақом адо этди.

Оддий ижтимоий кўникмалар



болаларга оғирлик қилмоқда

Олимлар бугунги замон технологиялари — гаджетлар болалар ривожига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида турли тадқиқот-кузатувлар ўтказишни давом эттирмоқдалар.

«The Telegraph» нашри тарқатган манбага асосланиб «IT Tube» портали хабар тарқатишича, планшет билан доимий «машғул» бўлган болаларда оддий ижтимоий кўникмаларни ўзлаштириш ҳам қийин кечмоқда. Британия ўқитувчилари ассоциацияси маълумотиغا қараганда ҳатто «кубик-рубик» ни йиғиш ёки рўқчада қозоғга ёзиш улар учун ўта мураккаб иш бўлиб туялмоқда.

Кундузи қўлиб ярим кечагача планшетада ўйин ўйнаган болалар эрта-си куну дарсада диққатни фақат дарсага қаратишга ожизлик қилади.

Шу боис мутахассислар ота-оналарни болаларини қатъий назорат қилишга чақирмоқда. Болалар компьютер ўйинларидан қўра, кўчада ўртоқлари билан ўйнаши афзаллигини ўқтирмоқдалар.

Уйқусизлик



инсулътга сабаб бўлади

Тайвандаги Чи Мей номли тиббиёт маркази олимлари аниқлашча, 40 ёшга етмаган одамларда уйқусизликнинг сурункали давом этиши инсулът ривожланишига сабаб бўлади.

Олимлар уйқу жараёни меъёрида бўлган 64 минг 314 нафар ва уйқусизликдан азият чекаётган 21 минг 438 кишининг уйқу тартибини бир неча мuddат кузатдилар. Уларнинг барчаси 40 ёшга етмаган одамлар эди. Тадқиқот шунга кўрсатдики, уйқусизликдан қийналаётганларнинг 54 фоизда инсулът ривожланиши аниқланди. Сурункали уйқусизликка чалинган 18 ёшдан 34 ёшгача болаларнинг аксариятида кузатувнинг тўрттинчи йилида инсулът белгилари ўзини аққол намён этган.

Хизмат қасамёди

Ватан ва халқ тинчлиги ҳамда осойишталиги йўлида садоқат билан хизмат қилишга ундайди



БАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ўқув полигонига Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари базасида ташкил этилган касбий тайёргарлик ўқув йиғини тингловчиларининг «Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат қасамёди»ни қабул қилиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда ИИВ масъул ходимлари, профессор-ўқитувчилар, жамоат ташкилоти вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирни Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи, генерал-майор Ш.Икромов очар экан, мазкур таълим муассасасида касбий тайёргарлик ўқув йиғинини ўтказиш, чуқур таълим олиш, жисмоний ва жанговар тайёргарликни ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар хусусида алоҳида тўхталдилар.

— Биз олий ўқув юрларини битирган ҳамда ички ишлар идораларида профилактика инспектори лавозимига тайёрланган тингловчилар билан малака ошириш касбий тайёргарлик ўқув йиғинларини ўтказдик, — дейди **Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари ўқув бўлими бошлиғининг ўринбосари, майор Оқилжон Бекназов**. — Республика бўйича 600 нафар тингловчи ушбу ўқув-машғулотларда қатнашди. Касбий тайёргарлик ўқув йиғини дастурга асосан 3 ойга режалаштирилган. Шундан бир ойи академик полигонда ўтказилди. Ушбу вақт давомида тингловчиларга куролли кучлар низоми, саф тайёргарлиги, ички ишлар идоралари низоми, жанговар ва хизмат тайёргарлиги, махсус тайёргарлик, ўқ отиш, жисмоний ва юридик тайёргарлик, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, тиббий тайёргарлик ва бошқа бир қатор соҳалар бўйича машғулотлар олиб берилди. Энди улар қолган икки ойлик назарий машғулотларда профилактика инспектори учун зарур бўлган билмаларни ўзлаштиради.

— Бугун мен учун унутилмас кун, чунки мен Ватан олдидаги хизмат қасамёдимни қабул қилдим, — дейди **Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш профилактика инспектори, катта сержант Шурхат Ҳазратқулов**. — Халқим ва Президентимиз олдидаги бу қасамёдим келгусида ўз касбининг виждонан бажаришга ундайди. Биз бир ой давомида дала полигонига зарур билим ва жанговар кўникмаларга эга бўлдик. Ички ишлар вазирлиги томонидан барча шароитлар яратиб берилди. Бугунги қасамёд ота-онамиз, оиламиз ва ватанимиз олдидаги қасамёддир.

— Президентимиз томонидан профилактика хизматига қаратилаётган алоҳида эътибор бизнинг зиммамизга янада катта вазифалар юклайди, — дейди **Хоразм вилояти Ургач шаҳар Ички ишлар бўлими профилактика инспектори Журъат Тажиев**. — Биз ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши тар-

ти хизмат қасамёдимни қабул қилдим, — дейди **Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш профилактика инспектори, катта сержант Шурхат Ҳазратқулов**. — Халқим ва Президентимиз олдидаги бу қасамёдим келгусида ўз касбининг виждонан бажаришга ундайди. Биз бир ой давомида дала полигонига зарур билим ва жанговар кўникмаларга эга бўлдик. Ички ишлар вазирлиги томонидан барча шароитлар яратиб берилди. Бугунги қасамёд ота-онамиз, оиламиз ва ватанимиз олдидаги қасамёддир.

— Президентимиз томонидан профилактика хизматига қаратилаётган алоҳида эътибор бизнинг зиммамизга янада катта вазифалар юклайди, — дейди **Хоразм вилояти Ургач шаҳар Ички ишлар бўлими профилактика инспектори Журъат Тажиев**. — Биз ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши тар-



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2014 йил 5, 12, 19 ва 26 июнь кунлари бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 18-«Б» уйда жойлашган «InFinBank» ХОАТБнинг қуйидаги ҳўжалик жамияти устав фондидаги 100 фоз улushi қўйилмоқда:

№	Номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улush сотилаётган ҳўжалик жамиятининг Фанзили	Асосий фаолият йўналиши	Савдога қўйилаётган улushнинг бошланғич баҳоси (сўм)
1	«TOSHKENT TRANS AVTO» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 60-уй.	Жамият уставида автомобиль ҳўжалиги билан шуғулланиш ва қонун билан таққиланмаган барча фаолият турларини амалга ошириш белгиланган	23 315 000 000,0

Очиқ аукцион шартлари:

Очиқ аукцион ғолиби улushнинг сотилиш баҳосидан 50 фоизи миқдоридидаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнақ пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномаси тузилган кундан соғлаб 1 (бир) ой мuddат ичида сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фозис ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), очик аукцион савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссиясиз тўловлар ва бошқа юзгага келадиган барча харажатлар харидор маблағларни ҳисобидан амалга оширилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида-

ги гувоҳноманинг нусхаси, раҳбарнинг тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан ва унинг паспортидан нусха, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, ваколатли вакилнинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ



2014 йил 6-8 май кунлари «ЎзэкспоМарказ» мажмуаси, 3-лавильонида соат 9 дан 17:00 гача ўтказиладиган Тармоқ саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасидаги холдинг компанияси стендида **ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан, савдога қўйилаётган улush бошланғич нархининг 1 фоизи миқдоридидаги зақалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб-рақамига тўланиши шарт. Ушбу банк улushi сотилаётган корхона билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион савдолари белгиланган савдо кунлари соат 15:00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуру шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.
Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:
Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 18-«Б» уй.
Тел.: 140-50-60; **факс:** 140-50-70.
Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуру шох кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; **телефон:** 233-02-49; **факс:** 233-23-40, **электрон почта:** TUAS_MCHJ@mail.ru.
Гувоҳнома № 005357

РЕКЛАМА

«ШҲҮРТАНГАЗКИМЁ»

мажмуаси жамоаси

хонадонларимиз файзи
бўлган нуроний отахону
онахонларимизни,
юртимиз аҳлини
Хотира ва Қадрлаш куни
билан табриклайди.

9
май

ОСМОНИМИЗ МУСАФФО,
ТИНЧЛИГИМИЗ
АБАДИЙ БЎЛСИН!



Очиқ акциядорлик тижорат

ALOQABANK

жамоаси

алоқа, ахборотлаштириш ва

телекоммуникация соҳаси ходимларини

7 МАЙ — АЛОҚАЧИЛАР КУНИ

билан муборакбод этади!

Мафтункор диёримиз ободлиги,
халқимиз фаровонлиги,
Она Ўзбекистонимизнинг
янада гуллаб-яшнаши
йўлидаги эзгу ишларингизга
муваффақиятлар тилайди!



ЮРТИМИЗ ТИНЧ,
ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОРЛОҚ
БЎЛСИН!

Молиявий кўмак —
ютуқларга кенг йўл очмоқда

бу очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Фарғона вилоят филиали фаолияти мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда

Тахририятимизга Фарғона шаҳридан кўнгирок бўлди. Ўзини масъулияти чекланган жамият шаклидаги «МДМ Юлдашев» (урологик хасталикларни даволаш, ташхис қўйиш ва тиббий маслаҳатлар беришга ихтисослашган клиника) Ўзбекистон — Германия кўшма корхонаси раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Файзулла Юлдашев деб таништирган бу инсон очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Фарғона вилоят филиали хизматларидан мамнун эканлигини таъкидлади.

Боиси, у мазкур банкдан 468 миллион сўмлик кредит олиб, ушбу маблағ ҳисобидан Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган, беморларни даволаш ва ташхис қўйишда муҳим ҳисобланган «Титан-2000 М» рентген аппарати ҳамда кулоқбурун ва томоқ касалликларини даволашда ишлатилган тиббий ускуналар (лор-комбайн) сотиб олганлигини, натижада бир қанча янги иш ўрни очганлиги ва ушбу банк мижозли бўлганлигидан мамнунлигини билдирди.

Банкнинг Фарғона вилоят филиалидан олинган маълумотларга кўз югуртирамиз: кўрсатилган хизматларнинг сифати ва турларини кенгайтириш ҳисоби-

га банк мижозлари сони жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 1110 га етди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 127 тага ошди. Кичик бизнес субъектлари ва яқка тартибдаги хусусий тадбиркорлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Шунингдек, банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 5,23 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилган бўлиб, ушбу маблағларнинг 4,77 миллиард сўми тўғридан-тўғри кичик бизнес вакилларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Республика Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидан чорва молларини кўпайти-



ришни рағбатлантириш чорва-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан саккиз миңга чорва молларини сотиб олиш учун 42,3 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 155,3 миллион сўм миқдорда кредитлар берилди. Ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчиларга

ажратилган кредитлар эса 1699,9 миллион сўмга етди. Банкнинг барча молиявий манбалари ҳисобидан хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун жорий йилнинг биринчи чорагида 79,2 миллион сўм, касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятларини амалга оширишлари учун 120,7 миллион сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ишларига эса 2149,7 миллион сўм миқдорда кредитлар йўналтирилди. Мана шу-

лар билан бир қаторда, иқтисодийнинг устувор тармоқларидаги инвестицион лойиҳаларни молиявий таъминлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш, қолаверса, технологик ускуна, хомашё ва материаллар сотиб олиш учун 6 мижозга 2332,5 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

Яна бир гап. Айни дамларда банкнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни кўпайтириш, активлар ҳамда кредит портфели сифатини яхшилаш борасида ҳам қатор ятуқларга эришилмоқда. Айниқса, аҳолининг банкдаги омонатлари шартларини либераллаштириш ва уларнинг кафолатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банк тизимида «Тадбиркор», «Бизнес», «Азиз оилам», «Сўлим қишлоғим», «Алоқда мустақиллик», «Алоқда Наврўз», «Антика», «Даромад», «20 ёшим» каби омонат турларининг жорий этилганлиги аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Мухтасар қилиб айтганда, очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Фарғона вилоят филиали томонидан амалга оширилган бу ишлар мижозларнинг банкка бўлган ишончини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

МУАССИС:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 560
18743
nuxxada
bosildi.Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

1 2 3 4 5